

УДК 378.147

БИР СОАТЛИК ДАРС – ЙИРИК БИР АСАРДИР

Ҳ.А.Равшанов – т.ф.д., профессор в.б. “ТИҚҲММИ” МТУнинг

Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти

Аннотация: Мақолада умумбашарий қадриятлар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқитувчининг педагогик маҳорати ва касбий хусусиятлари келтирилган. Ўқитувчилик шарафли, шу билан биргаликда ўта масъулиятли ва машаққатли касб бўлиб, фидоийликни, ҳалолликни, кўп меҳнатни, ўз устида доимий ишлашни, замон билан ҳамнафас бўлишни, билим олувчининг ишонч ва ҳурматини қозонишни, педагогик маҳоратни талаб этади. Зотан, педагогик маҳорат - ўкув, билим, кўникма, малака, машқ ва ақл ҳосиласидир.

Калит сўзлар: педагогик фаолият, педагогик маҳорат, касбий билим, педагогик қобилият, педагогик муомала, педагогик ижод, педагогик маданият, педагогик техника, назарий билим, методик билим, дикция (талаффуз), нутқнинг тезлиги, нутқ ритми, нутқ тембри, билим, кўникма, малака, машқ.

Аннотация: В статье приведены особенности педагогического и профессио-нального мастерства преподавателя в организации воспитательно – образовательного процесса на основе общечеловеческих ценностей. Профессия преподавателя – это почётная и в то же время очень ответственная и трудоемкая профессия. Чтобы заслужить доверие и уважение обучаемого требуется честность, преданность своему делу, большой труд, постоянная работа над собой и педагогическое мастерство, которое состоит из производных: учёбы, знаний, навыков, квалификации, упражнений и ума.

Ключевые слова: педагогическая деятельность, педагогическое мастерства, профессиональное знание, педагогическая способность, педагогическое общение, педагогическое творчество, педагогическая культура, педагогическая техника, теоретическое значение, методические знания, дикция (произношение), скорость речи, ритм речи, тембр речи, знание, навык, квалификация, упражнение.

Annotation: Peculiarities of pedagogical and professional masteru of a teacher in organization of educational process on the base of human traditions are given in the article. The teacher is an honoraru profession. At the same time is hard and requires

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

great responsibility. In order to win the confidence and respect of a pupil it is required honestu, loaltu, hard and constant work, pedagogical skills. Pedagogical masteru consists of studies, knowledge, experience, qualification, exercises and mind.

Key words: Pedagogical activity, pedagogical skill, professional knowledge, pedagogical ability, pedagogical communication, pedagogical creativity, pedagogical culture, pedagogical technique, theoretical significance, methodological knowledge, diction (pronunciation), speed of speech, rhythm of speech, timbre of speech, knowledge, skill, qualifications, exercise.

Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари замирида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга, юқори малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлашда педагогларнинг ўрни бекиёсдир. Жамиятни юқори малакали мутахассислар билан таъминлашда, комил инсонни тарбиялашда, таълим сифатини кўтаришда профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти, уларнинг педагогик маҳорати таълимтарбия жараёнида асосий омил ҳисобланади.

Буюк аллома А.Авлоний

таъкидлаганидек, “Устоз - муаллим биринчи навбатда билимли, одоб-ахлоқли, кийиниши ва юриш - туриши билан фақат ўзининг ўқувчи ва талабаларига эмас, балки бутун инсониятга намуна бўлиши керак”. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Конунининг 5-моддасида “Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш хукуқига эга” деб кўрсатилган.

Таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари ҳамда фан дастурларининг тўлиқ ва сифатли бажарилиши ҳар томонлама ўқитувчига, унинг билим ва малакасига, масъулиятлигига, фидоийлигига, қолаверса виждонига боғлиқдир. Ҳозирги замон ўқитувчиси ўз фанини мукаммал билиши, дарс жараёнида педагогик технологияларни қўллай олиши, замонавий ахборот технологияларини яхши ўзлаштирган бўлиши, маънавий-ахлоқий пок ва сиёсий дунёқарashi юқори бўлмоғи лозим. Шу ўринда, немис педагоги Адольф

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

Дистервег “Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий фигура - муаллим, унинг тафаккур дунёсидир” деб ёзади.

Ўқитувчилик шарафли, шу билан биргаликда ўта масъулиятли, мураккаб, мاشақатли касб, шунингдек, у энг мураккаб санъат бўлиб, фидоийликни, ҳалолликни, қўп меҳнатни, ўз устида доимий ишлашни, замон билан ҳамнафас бўлишни, талабанинг ишонч ва хурматини қозонишни, педагогик маҳоратни талаб этади. Бир соатлик дарс – йирик бир асарга тенглаштирилади. Шундай экан, ҳар бир ўқув машғулотига пухта тайёргарлик кўриш, ҳалқимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги бой тарихи, анъаналари, буюк аждодларимизнинг илмий меросларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш ҳар бир профессор-ўқитувчининг асосий вазифасидир.

Бинобарин, пухта, мукаммал билимга ва педагогик маҳоратга эга бўлмаган ўқитувчи тўлақонли дарс ўта олмайди. Бугунги ёшлар илмга чанқоқ ва интилевчандир. Уларга фақат ҳалол-пок билим бериш керак. Дўқ уриб, қўполлик қилиб, ҳақоратли сўзлар билан талabalарнинг иззат-нафсиға тегиб билим ўргатиб бўлмайди. Чунки, билим олиш ҳам ижодий фаолият ҳисобланади. Дарс мавзусига тегишли бўлмаган турли хил воқеа-ҳодисалар ҳақида гапириб, талabalар вақтини бехудага сарфламаслик лозим. Буюк педагог Ральф Уолд Эмереон “Таълимнинг сири ўқувчига ҳурматда бўлишдадир” деб ёзади. Ўқитувчи дарс ўтишда педагогик маҳоратли, ўта маданиятли, талабчан бўлиши ва тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиши шарт. “Намуна кўрсатган ҳолдагина инсон энг юксак натижаларга эришади” деб таъкидлаган педагог С.Цвейг.

Педагогик маҳорат – бу педагогик жараённи тўғри ташкил қилиш, бошқариш, кутилаётган натижаларни олдиндан лойиҳалаштириш ва амалга ошириш, таълим-тарбия жараёнини моҳирлик билан бошқаришdir.

Педагогик фаолият – қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

➤ педагогик фаолиятнинг мақсади; педагогик фаолиятнинг обьекти; педагогик фаолиятнинг субъекти; педагогик фаолиятнинг воситалари.

Ўқитувчи педагогик маҳоратининг асосий таркибий қисмларини қуйидагилар ташкил қиласди:

❖ ўқитувчи шахсиятининг инсонпарвар йўналиши; касбий билимлар; педагогик қобилият; педагогик муомала; педагогик ижод; педагогик маданият; педагогик назокат; педагогик техника.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

Педагогик фаолиятда ўқитувчининг шахсий сифатларида етакчи ўринни инсонпарварлик, софдиллик, поклик ваadolat эгаллаши шарт.

Касбий билимлар мукаммал бўлиши учун қуидагилар талаб этилади: **фан методологияси** – жамиятнинг таълим ва тарбия соҳасидаги талаб ва вазифаларининг фалсафий асосларини билиш; **назарий билимлар** – фаннинг қонун ва қонуниятларини, қоида ва тамойилларини билиш; **методик билимлар** – таълим жараёни тузилишининг моделини амалий ва назарий жиҳатдан тузалиш; **таълимнинг технологик томони** – таълим ва тарбия соҳасидаги амалий вазифаларни самарали ҳал эта олиш.

Педагогик фаолиятда қуидаги етакчи **педагогик қобилиялар** муҳим аҳамият касб этиади: **коммуникатив қобилият** – билим оловчиларни ўзига ишонтира олиш, мулоқотга тез киришиш, очиқлик; **перцептив қобилият** – касбий ҳушёрлик, эмпатия (бошқа шахсларнинг ҳис-туйғу ва кайфиятига шерик бўлиш); **ўқитувчининг шахсий ҳаракатчанлиги** – ички куч (энергия) етарли бўлиши, дарс ва дарсдан ташқари жараёнда ҳаракатчан, ташаббускор, ўқувчиларни ўз ортидан эргаштира оладиган бўлиш; **ҳиссий турғунлик** - ўз-ўзини (кайфиятини, ҳис-туйғусини, асаб ва руҳий ҳолатини) бошқара олиш; **билим оловчининг келажагига ишонч** – билим оловчининг ижобий томонларини, яхши сифатларини излаш, топиш ва ривожлантириш; **креактивлик** – воқеликка, ҳодисаларга, дарсга ноанъанавий ёндошиш.

Педагогик маҳоратда **педагогик муомала** - ўқитувчи касбий фаоллигининг бир кўриниши бўлиб, таълим-тарбияда шу жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсири ва ҳамкорлигини акс эттиради. **Педагогик ижод** – ўқитувчининг маҳорат пиллапояларидан кўтарилишида яратувчанликни, ташаббускорликни, педагогик уddaburonlikni ва янгиликка элтувчи йўлни англатади. **Педагогик маданият** - ўқитувчилик бурчи, масъулияти, қадр-қиммати, виждони, ахлоқий эътиқодини назарда тутиб, унинг талабчанлиги, адолати, комиллиги, ростгўйлиги, тўғрилигини ифодалайди. Педагогик маҳорат тизимида **педагогик назокат (такт)** – ўқитувчининг педагогик мақсадга мувофиқ, фойдали, қимматли ҳаракатларининг ўлчови, меъёри ва таъсир воситасининг чегараси сифатида характерланади.

Педагогик техника – ўқитувчи фаолиятининг ташкилий шакли бўлиб, ўқитиши жараёнида таълим оловчиларга таъсир кўрсатиш, ўкув материалини ҳис-

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

туйғу, нутқ ва новербал мулоқот орқали етказа бериш санъатидир. Педагогик техника - қуидаги таркибий қисмлардан ташкил топган: ўқитувчининг ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқариши; жамоага ва шахсга таъсир эта олиш малакаси. Ўқитувчининг ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқариши қуидагилардан иборат: ўз гавдасини бошқара олиши; ўз ҳис-туйғусини, кайфиятини бошқара олиши; ижтимоий перцептив қобилияти; нутқ техникаси. Ўқитувчининг жамоага ва шахсга таъсир эта олиш малакаси қуидагилардан иборат: дидактик малака; ташкилотчилик малакаси; конструктив малака; коммуникатив малака.

Нутқ маданияти - адабий тил меъёрларини пухта эгаллаш ва улардан нутқда тўлиқ фойдаланиш демакдир. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши, ўқув материалини бадиий, равон, тушунарли тилда баён қилиши, унинг нутқида шевадаги сўзлар бўлмаслиги керак. Нутқда дикция (талаффуз) сўзларга ургуни тўғри бериш муҳим аҳамият касб этади. Нутқнинг тезлиги, сўзларнинг жаранглаши, тўхтам (пауза)ларга риоя қилиш нутқнинг ритмини ташкил этади. Нутқда тембр - овознинг ширалиги, оҳанги, очиқлиги ва ёқимлилиги муҳимдир. Ўқитувчининг ҳаддан зиёд бақириб ёки паст гапириши, бир хил темпда тушунтириши талабаларни қизиқишини сўндириб, лоқайд қилиб қўяди. Нутқнинг тушунарли, чиройли, бадиий, равон бўлиши ўқитувчининг сўз бойлигига боғлиқ бўлиб, билим олувчиларни фаол бўлишга ундейди.

Педагогик маҳоратнинг юқорида келтирилган таркибий қисмлари ўқитувчининг касбий лаёқатларини бойитади ва уни моҳирлик сари етаклайди ва ўқитувчидаги педагогик маҳорат малакаларининг таркиб топишига ёрдам беради. Педагогик маҳорат тизимида унинг асосий компонентларидан ташқари касбий хусусиятлар ҳам мавжуд. Педагогнинг **касбий хусусиятларига**: ўз касбини, талабаларни севиши, зийраклиги, ҳозиржавоблиги, вазминлиги, педагогик салоҳияти, тасаввури, иқтидори, ташкилотчилиги, илмий савияси, касбий лаёқатлилиги, маънавий бойлиги, интеллекти, янгиликни англай ва қўллай олиши, касбий маълумотни мунтазам оширишга интилиши ва бошқа фазилатлари киради.

Педагогик маҳорат - муайян тайёргарлик жараёнларидан иборат. Бу тайёргарликни шартли равишда қуидаги йўналишларга ажратиш мумкин: педагогнинг шахсий фазилатлар бўйича тайёргарлиги; педагогнинг руҳий -

педагогик тайёргарлиги; педагогнинг илмий-назарий тайёргарлиги; педагогнинг махсус ва ихтисосга оид услубий тайёргарлиги.

Педагогик маҳорат – ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатлари йиғиндиси, педагогик-психологик, методик билимлар мажмуасидан иборат. Бунинг учун, ўқитувчи:

- ❖ ихтисослик бўйича илм-фан, техника тараққиёти даражасида мукаммал билимга эга бўлиши, фаннинг фанлараро боғлиқлигини таъминлаш малакасига эга бўлиши;
- ❖ ўқув-тарбия жараёнини тўғри ташкил қила олиш, муайян педагогик - психологик, методик маълумотга эга бўлиши;
- ❖ талабаларнинг қизиқиши, интилишларини тушуна олиш ва ўқувчилар фаолиятида учрайдиган қийинчиликларни тушуниш ва уларни ўз вақтида англай олиш, зукколик билан ҳар бир талабанинг характери, психологик хусусияти, қобилияти, иродасини англай билиш ҳамда уларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг шакл, усул, воситаларидан хабардор бўлиши;
- ❖ ўз шахсий сифатларини такомиллаштириш малакасига эга бўлиш керак.

Машхур Нақшбанд тариқатида шундай ҳикмат бор “... Адаб бу хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир. Хизмат одоби улуғ баҳтдан яхшироқ, унинг белгиси амалнинг қабули, туғён эса амалнинг бузуқлигидир. Адабни сақлаш - муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахти, яна муҳаббат уруғи ҳамдир”.

Демак, ўз касбининг моҳир эгаси бўлиш учун ўқитувчи мунтазам ўз устида ишлаши, табиатдан, санъатдан, ҳаётдан, фандан баҳра олиб, ривожланиб, мукаммаллашиб боргандагина мақсадга эришади. Инсон психологиясининг моҳир устаси Ф.Н.Гоноболин таъкидлаганидек “Ўқитувчи ўзининг бутун куч – қувватини, иродасини, билимини, ўзида бор ҳамма яхши нарсаларини ўз шогирдларига, халққа беради. Аммо, у ўзида бор нарсаларнинг ҳаммасини бугун, эртага, индинга берса-ю, ўз билимини, кучини, қувватини яна ва яна тўлдириб бормаса, у ҳолда ўзида ҳеч нарса қолмайди. Ўқитувчи бир томондан ўзида борини бериши, иккинчи томондан булат сингари, ҳаётдан, фандан, нимаики яхши нарсалар бўлса олишга одатланмоғи, халқнинг энг илғор кишилари билан ҳамкорликда ишламоғи лозим. Ана шундай бўлганда, у ўз талабаларига қанча кўп нарса бермасин, агар халқдан, ҳаётдан, фандан озиқланиб, энг яхши хислатларни

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

ўқий олса, у ҳолда, унда ўз талабалари учун бундай ризқли шиralар ҳамиша ортиғи билан мавжуд бўлади”.

Бинобарин, буюк немис педагоги Адольф Дистерверг ўқитувчининг мунтазам равишда фан билан шуғулланиши ҳақида гапириб, шундай ёзган эди: “Ўқитувчи мунтазам равишда фан билан шуғулланмоғи лозим. Акс ҳолда у куриган дaraohт ва тошга ўхшаб қолади. Қуриган дaraohт ва тош мева бера олмаганидек, келажакда бу ўқитувчидан ҳеч натижа кутиб бўлмайди”.

Ўқитувчиларнинг фаолиятини узоқ вақт кузатиш, натижаларни илмий асосда ишлаб чиқиши, таълим муассасаси раҳбарларининг ўқитувчилар ҳақидаги фикрларини синчиклаб ўрганиш, ўқитувчи фаолиятининг педагогик қобилиялар тизимида тадқиқ қилган оlimа Н.В.Кузмина шундай ёзади: “Таълим - тарбияда рўй берадиган кўпгина камчиликлар ўқитувчининг педагогик қобилиятининг амалий йўналишини яхши билмаслик, истеъдоднинг ўқитувчida йўқлигидир”.

Педагогнинг иш соҳасида талабалар, уларнинг ота-оналари ва ҳамкаслари билан алоқасидан иборат яхлитлик - педагогик фаолият ва педагогик маҳорат асосини ташкил этади. Зотан, педагогик маҳорат - ўқув, билим, кўникма, малака, машқ ва ақл ҳосиласидир. “Педагог, - деб ёзади Ян Амос Коменский, соғ вижданли, ишchan, саботли, матонатли ўқувчиларга ўзи сингдириши лозим бўлган фазилатларнинг ибратли кишиси бўлиши, кенг маълумотли ва меҳнатга лаёқатли инсон бўлиши лозим. У ўз фанини беҳад севиши, ўқувчиларга бамисоли оталардек муомалада бўлиши ва ҳар бир илм олувчи қалбида билимга ҳавас туғдириши лозим”. Буюк рус педагоги А.С.Макаренко айтганидек: “Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, кувноқ ёки жаҳлдор бўлишини билиши лозим. У ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияласин ва ўқитсан”.

Педагогик фаолиятда етарли маҳорат ва малакага эга бўлган педагог ўз-ўзини назорат қила олади, педагогик фаолияти давомида соғлом асаб тизимини ўзида тарбиялай олади, асабийлашишдан, ҳиссий ва ақлий зўриқишлардан ўзини асрайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мамедов К.Қ., Бердиев Г.Ж. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Тошкент, ТошДУ, 2003 й.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.- Тошкент: “Фан” нашриёти, 2006 й.
3. Тажиев М., Алимов А.Я., Кўчқоров Д.У. Педагогик технология–таълим жараёнига татбиғи. - Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2010 й.